**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Агентлик директори**
**_____________ А. Бурханов**
**2021 йил 30 июнь**

Агентлик ходимларининг 2021 йил
29 июндаги умумий йиғилишининг
14-сонли баённомасига илова

# Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йил II ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъул шахслар | Кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | Мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш. | “Коррупциясиз соҳа”, “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳалари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида, Давлат харидлари, Соғлиқни сақлаш, Мактабгача таълим, Қурилиш ва бошқа соҳаларни ўрганиш. | июнь-декабрь | Ишчи гуруҳ **Т.Хайдаров** З.Қодиров | Соҳаларни ўрганиш натижасида коррупцияни келтириб чиқараётган омиллар аниқланади, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Белгиланган соҳаларда хавф-хатарлар рўйхати шакллантирилиб коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бўйича чоралар ишлаб чиқилади. |
| **2.** | Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат | 1. Ўзбекистон Республикасида 2021-2025 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш Миллий стратегиясини қабул қилиш бўйича ишларни якунлаш. (Стратегия лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш, | июнь-август | Ў.Номозбоев Ж.Бешимов | 2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш стратегияси ушбу йўналишда беш йилга мўлжалланган чора-тадбирларни ўз |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ва бошқа дастурларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш. | ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва Президент Администрациясига киритиш);<br>2. 2021-2022 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш давлат дастурини қабул қилиш;<br>3. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий маъruзани тайёрлаш ишларини якунлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш. | | | ичига олувчи концептуал ягона ҳужжатнинг қабул қилинишини таъминлайди.<br>2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури коррупцияга қарши курашиш йўналишида яқин истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифаларни ўзида акс эттиради.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон Фармон тегишли бандларининг ижроси таъминланади. |
| **3.** | Жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш. | 1. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш *(алоҳида иш-режа асосида);*<br>2. Фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш Миллий индексини тузиш;<br>3. Антикоррупция ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш. | июль-декабрь<br><br>июль-сентябрь<br><br>Декабрь | З.Хатамов<br>З.Қодиров<br><br>З.Қодиров<br><br>З.Хатамов<br>Д.Очилова | Аҳоли ўртасида коррупцияга қарши муросасизлик кайфияти шаклланади.<br>Коррупцияга қарши аёвсиз кураш олиб борилаётганидан мамлакат ва халқаро ташкилот вакиллари хабардор этилади.<br><br>Коррупцияни қабул қилиш миллий индекси коррупцияни ўлчашга хизмат қилади. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **4.** | Коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг воситаларини такомиллаштириш; | “Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизмати тўғрисида”ги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. | июль | З.Кодиров | Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимининг ҳуқуқий асослари яратилади, шу орқали бу соҳада методологиянинг шаклланишига ва профилактик тизим яратилишига хизмат қилади. |
| **5.** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш. | 1. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларини якунлаш;<br>2. Қонун лойиҳасини ўрнатилган тартибда Президент Администрацияси ва Олий Мажлисга киритиш. | июль-август | Ў.Номозбоев | Коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг янгиланган тартиби ишлаб чиқилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларга чек қўйилади. |
| **6.** | Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизимини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. | Декларация тизимини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш. | июль-август | О.Рузиев | Давлат хизматчиларининг ноқонуний бойлик орттирганлик ҳолатларини аниқлаш ва унга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаш бўйича тартиблар ишлаб чиқилишига хизмат қилади. |
| **7.** | Давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш. | Чора-тадбирлар режасини ва таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш. | октябрь | З.Қодиров | Давлат хизматига қабул қилишнинг очиқ ва шаффоф мехнизмларининг жорий этилишини қўллаб-қувватлайди |
| **8.** | Бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан | 1. Давлат харидлари соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш тизими | июль | У.Дауланов | Коррупция хавф-хатарларни аниқлаш ва |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. | самарадорлигини қайта кўриб чиқиш ва ушбу соҳада комплаенс-риск механизмини жорий қилиш.<br>2. Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш амалиётини танқидий ўрганиш.<br>3. «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида онлайн-аукционлар жараёнини ўрганиш.<br>4. Давлат харидларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, шунингдек афилланган шахслар ва харидларнинг якуний бенефициар эгаларини аниқлаш. | август-сентябрь<br><br>ҳар чоракда | | олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Миллий кенгашга тақдим этиш учун зарур маълумотлар йиғилишига хизмат қилади. |
| **9.** | Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг обрўсини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. "Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги" (Open Government Partnership, OCP) халқаро ташкилотига Ўзбекистон Республикасининг аъзо бўлиш шартлари ва оқибатлари таҳлили, шунингдек, мавжуд салоҳият, хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;<br>2. Коррупция учун жиноий жавобгарлик Конвенцияси ҳамда Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик Конвенциясига қўшилишни Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳига (GRECO) аъзо бўлиш доирасида амалга ошириш. | сентябрь<br><br>сентябрь | З.Хатамов | Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ижроси таъминланади.<br>Шунингдек давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда халқаро ҳамкорликка йўл очади. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **10.** | Коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. | 1. 2017-2020 йилларда коррупцияга оид жиноятларнинг статистикасини тегишли вазирлик ва идоралардан олиш ва таҳлил қилиш;<br>2. Коррупция оид жиноятларни ойлик статистикасини юритиш ва таҳлил қилиб бориш. | июль<br><br><br><br>ҳар ойда | У.Дауланов<br>М.Татибаев | Коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда ўз самарасини кўрсатади. |
| **11.** | Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва халқаро обрўсига зиён етказадиган коррупциявий жиноятларни тергов қилиш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш. | 1. Коррупциявий жиноятлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш мақсадида, қонунчиликка мувофиқ жиноят иши материалларини, жиноят-процессуал ҳужжатларни ўрганиш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;<br>2. Ўрганиш ва таҳлил натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарини хабардор қилиш;<br>3. Коррупцияга оид жиноятлар натижасида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарни тўлиқ қопланишига эришиш устидан назорат ўрнатиш. | Ҳар ярим йилда | У.Дауланов | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон Фармоннинг тегишли бандлари ижроси таъминланади. |
| **12.** | Коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминотни ишга тушириш. | 1. Фуқаролик жамияти институтлари, медиа-жамоатчилик вакилларини (журналист, блогер) таклиф этган ҳолда тақдимотни ташкил этиш; | июль | З.Хатамов<br>М.Татибаев<br>А.Давланов<br>Д.Очилова | Коррупцияга қарши курашиш агентлигига аҳолининг тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини яратади. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Платформанинг мазмуни ва тартиб-таомилларини тушунтириш мақсадида инфографика ҳамда видеороликлар тайёрлаш;<br>3. Платформа юзасидан амалга оширилган ишлар натижадорлиги хусусида мунтазам равишда брифинглар ўтказиш ва информацион хабарлар ишлаб чиқиш. | август<br><br>октябрь | | Коррупцион ҳолатларни соҳалар ва вилоятлар кесимида таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади. |
| **13.** | Агентликка давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш. | 1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мавжуд маълумотлар базалари бўйича ҳуқуқий-меъёрий асосларини ва функционал имкониятларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;<br>2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мавжуд маълумотлар базаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш. | август<br><br>ноябрь | У.Дауланов<br>М.Татибоев | Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мавжуд маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда масофавий мониторингни амалга ошириш ва аниқланган коррупция хавф-хатарлар бўйича маълумот тайёрлашга эришилади. |
| **14.** | Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ижросини таъминлаш. | 1. “Лоббизм тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Меҳнат муносабатлари масалаларига доир буйруқ ва меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашишга оид қоидаларни киритиш. | октябрь<br><br>июль | У.Дауланов<br>З.Бойсинов | Давлат бошқарувида ноқонуний лоббистик фаолиятини чеклашнинг қонуний асоси вужудга келади.<br>Мехнат ва хўжалик шартномаларида коррупциянинг олдини олувчи нормалар киритилишини таъминлайди. |
| **15.** | Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича «Йўл харитаси» ижросини таъминлаш. | 1. Хорижий давлатлар қонунчилиги ва тажрибасини ўрганган ҳолда Жиноят кодексига мансабдор шахс томонидан ноқонуний тарзда бойлик | сентябрь | У.Дауланов | Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини халқаро нормалар асосида юритилишини таъминлайди. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | орттирганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш масаласини имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;<br>2. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда собиқ давлат идораси мансабдор шахсларининг ўз фаолияти давомида бошқарув ва назорат соҳасида маълум бир фаолият юритмаслик талабини белгилаш. | сентябрь | | Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланишга хизмат қилади. |
| **16.** | Давлат органларида шу жумладан, ҳудудларда коррупция даражасини рейтинг баҳолаш методикасини жорий этиш, шунингдек, даврий равишда (ҳар чоракда) раҳбарларнинг рейтинг ва шахсий жавобгарлигини баҳолаш натижаларини эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш. | 1. Давлат органларида, шу жумладан ҳудудларда коррупция даражасини рейтинг баҳолаш методикасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;<br>2. Давлат органларида, шу жумладан ҳудудларда коррупция даражасининг рейтинг баҳолаш натижаларини эълон қилиб бориш. | июль-сентябрь | З.Қодиров | Ҳар бир давлат органининг коррупцияга қарши курашиш борасида олиб бораётган фаолиятига холисона баҳо бериш, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, чора-тадбирларнинг манзилли бўлишини таъминлайди. |
| **17.** | Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг намунавий тартибини тасдиқлаш. | 1. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг намунавий тартибини ишлаб чиқиш;<br>2. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг намунавий тартибини белгилаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тасдиқлаш. | июль-август | З.Қодиров | Давлат органлари ва ташкилотларда коррупция хавфларини олдиндан аниқлаш ва унга қарши чоралар белгилашни таъминлайди. |
| **18.** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6247-сон Фармони ижросини таъминлаш. | Агентлик тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси”ни ташкил | август | З.Бойсинов | Коррупциянинг олдини олишдаги муҳим воситалардан бири Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик тамойилларига амал қилинишини назорат |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | этиш бўйича буйруқ лойиҳасини киритиш. | | | қилиб боришнинг ягона тизими яратилади. |
| **19.** | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича “Йўл харита” ижросини таъминлаш. | 1. Давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш бўйича фаолиятни тартибга солувчи, шу жумладан мониторинг ўтказиш, амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, очиқлик индексини ҳисоблашга қаратилган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикани ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритиш;<br>2. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш;<br>3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. | сентябрь<br>декабрь<br>август | З.Хатамов (ишчи гуруҳ) | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлилигига холисона баҳо бериш, уларнинг ушбу йўналишда амалга оширган ишларини мониторинг қилиш имкониятини яратади.<br>“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун бугунги кун талаблари асосида такомиллаштирилади.<br>Давлат органлари раҳбарларининг очиқлик қоидаларига амал қилишдаги масъулиятини оширишга ҳисса қўшади. |
| **20** | Агентликда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш. | ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандартларига мувофиқ коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш учун идроваий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш. | июль-декабрь | М.Ахмедов | Агентликда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш орқали ходимлар томонидан коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилиши олди олинади. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Агентлик фаолиятини доимий ўрганиб бориш, тизимда мавжуд ёки келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцион хавф-хатарларни ҳамда унга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш.<br>Агентлик ходимлари ўртасида коррупциянинг олдини олиш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш. | | | Агентликнинг ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро сертификати эга бўлиши таъминланади. |

**Изоҳ:** чора-тадбирлар режаси бажарилишини тизимли равишда назорат қилиш учун масъул шахслар ҳар янги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот топширишлари шарт.